

*Хорижий Шарқ мамлакатлари
тарихий жараёнлари ва уларни
ўрганишнинг долзарб
муаммолари*

Илмий-амалий конференция материаллари



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОРИЖИЙ ШАРҚ
МАМЛАКАТЛАРИДАГИ
ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР
ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция
материаллари тўплами*

Тошкент - 2020

Ушбу тўпламга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февралдаги 116-сонли буйруғига мувофиқ Тошкент давлат шарқшунослик университетида 2020 йил май ойида “Шарқ мамлакатларидаги тарихий жараёнлар ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари” мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари киритилган.

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори, профессор Н.Э.Каримова
сиёсий фанлар номзоди, доцент Н.А.Абдуллаев

Такризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор
Шодманова Санобар Базарбаевна

тарих фанлари номзоди
Азимов Комил Сарварович

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(15.05.2020 й. № 1)

– бугунги куннинг долзарб (диний экстремизм, терроризм, нар-
кобизнес ва ҳоказо) муаммоларини бартараф этиш учун ҳамкорликда
ҳаракат қилиш;

– сиёсий ва диний экстремистларнинг исломдан дастак сифатида
фойдаланишга урунишларини ҳисобга олган ҳолда ислом муаммоси
юзасидан оқилона механизмни ишлаб чиқиш зарур.

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ

*Тошкент давлат шарқишунослик университети
таянч докторанти*

ДАВРИЙ НАШРЛАРДА XX АСР БОШЛАРИДА ХИТОЙДА СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотатсия. Ушбу мақолада XX аср бошларида Хитойда юзага келган сиёсий беқарорлик, ички ислоҳотлар, ташқи босимлар ва миллий онгинг уйғониши жараёнлари Шарқ минтақасидаги геосиёсий ўзгаришлар контекстида таҳлил қилинади. Айниқса, Япон-Хитой ва Рус-Япон урушлари ортидан Хитойнинг геосиёсий мавқеи ва миллатчилик ҳаракатларининг кучайиши халқаро матбуот, жумладан Туркистон матбуоти орқали ёритилади. Матнда Юан Шикай ислоҳотлари, франко-япон ва рус-япон шартномаларига муносабат, шунингдек Хитойнинг ташқи сиёсатдаги ўзгарувчан позитсияси европалик дипломатлар, шарҳловчилар ва Туркистон зиёлилари нигоҳи орқали акс эттирилган. Туркистон матбуотининг бу жараёнларга бўлган муносабати эса минтақадаги миллий уйғониши ва мустамлакачиликка қарши руҳият билан боғлиқ жиҳатлар орқали кўрсатиб берилади. Мақола Шарқ минтақасидаги кучлар мувозанати, халқаро дипломатия ва миллий онгинг уйғониши каби долзарб тарихий масалаларга бағишланган.

Калит сўзлар: Хитойдаги ислоҳотлар, Юан Шикай, миллий онг, Туркистон матбуоти, Рус-япон уруши, Шарқдаги геосиёсий ўзгаришлар, Франко-япон шартномаси, Хитой-Россия муносабатлари, мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар.

XX аср бошларига келиб Шарқ минтақаси, айниқса Хитой, мураккаб сиёсий, иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар гирдобида

колди. Син сулоласининг заифлашуви, ташқи босимлар кучайиши, ички ислохотлар ва миллий онгнинг уйғониши бу ҳудудни глобал сиёсий воқеаларнинг марказига айлантирди. Хитойнинг Японияга қарши урушда енгилиши, Ғарб давлатлари, Россия ва Япония билан тузилган нотенг шартномалар, мамлакатни “ярим мустамлака” ҳолатига тушириб қўйди. Шу билан бирга, халқ орасида миллатчилик ғоялари, мустақилликка интилиш ва модернизатсияга эҳтиёж кучая борди.

Бу даврда юз берган ислохотлар, дипломатик тортишувлар ва ҳарбий зиддиятлар халқаро жамоатчилик эътиборида бўлиб, бу жараёнлар Туркистон матбуоти саҳифаларида ҳам ўз аксини топган. “Туркистон вилояти газетаси” сингари нашрларда Хитойнинг ташқи сиёсатдаги фаоллиги, ички сиёсий қарама-қаршилиқлар ва миллий ҳаракатларнинг кучайиши мунтазам ёритиб борилган. Айниқса Юан Шикай даврида амалга оширилган ислохотлар, франко-япон ва рус-япон шартномалари, Манчжуриядаги вазият ва бу омилларнинг халқ онгига таъсири матбуот орқали таҳлил қилинган.

Мазкур мақолада XX аср бошларида Хитойда юзага келган сиёсий ва геосиёсий жараёнлар, улар ҳақида халқаро ва Туркистон матбуотида билдирилган қарашлар таҳлил этилади. Шу орқали Шарқ минтақасидаги кучлар мувозанати, халқаро дипломатия ва миллий онгнинг уйғониши сингари долзарб тарихий масалаларни ёритиш мақсад қилинган.

XX аср бошларида Шарқ минтақасида, айниқса, Хитойда юзага келган ички сиёсий беқарорлик, ташқи таъсирларга қарши реакциялар ва халқаро дипломатик мураккабликлар бутун дунё жамоатчилигининг, жумладан Туркистон матбуотининг диққат марказида бўлди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Хитойнинг геосиёсий мавқеи, унинг Япония, Россия ва Ғарб давлатлари билан муносабатлари ҳамда бу жараёнларда миллий онгнинг уйғониши айниқса долзарб масалага айланди. Айниқса бу ҳолат ғарб матбуоти саҳифаларида турлича талқин қилина бошланди. Хусусан, Рейтер ахборот агентлигининг “NFR Press” муҳаррирларидан бири Хитойда европаликларга қарши ҳаракат, Хитойнинг шимолида европаликларга нисбатан янги таъқиблар тўғрисидаги миш-мишлар ҳақида маълумот келтириб ўтади¹. Ўз навбатида бунга жавобан Венадаги Хитой дипломати мазкур миш-мишларга унчалик ишонмаслигини

¹ Движение против европейцев в Китае // Туркестанский сборник. – том 422. – 105 с.

билдиради. У шимолий Хитойда европаликларга қарши қандайдир ҳаракат пайдо бўлиши мумкин деган фикрни ҳаёлига ҳам келтирмайди, чунки Тяньсин, яъни витев-қирол Бейяннинг қароргоҳи, Юан Шикайнинг таъсири остида эди. Юан Шикай эса ўзидан олдинги Ли Хунчжан каби европаликларга хайрихоҳлик билдирган. Юан Шикай ислохотларнинг бош ташаббускори бўлиб, уларни Европага зарар етказиш мақсадида эмас, балки Европа ёрдами билан амалга оширишни маъқул кўрган ва натижада европаликларга нисбатан ҳар қандай таъқибни илдиз олишидан олдиноқ бостириб ташлаган.

Дипломатнинг таъкидлашича, Хитойдаги турли секталар ва махфий жамиятлар европаликларга нисбатан ҳеч қандай ёвуз ниятда эмас, улар фақат ўз фаолиятлари тўлиқ равишда қонун талабларига мос келмагани сабабли яширинча йиғилади. Уларнинг кўпчилиги, худди европалик франкмасонлар сингари, олийжаноб мақсадлар ва амалга ошириб бўлмайдиган идеалларга интиладилар ва бу мақсадлар европаликларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига ҳеч қандай таҳдид солмайди. Агар европаликларга нисбатан адоват пайдо бўлиши мумкин бўлса ҳам, у фақатгина марказий Хитойда ривожланиши мумкин эди, аммо у ерда ҳам европаликларга ҳеч қандай хавф йўқ. Хитойдаги реакцияга келганда, У Сун Лян бу каби миш-мишларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан ёндашишни тавсия қилади. Хитой дипломати ўз ҳамсуҳбатига Пекинда франко-япон шартномаси имзоланганидан жуда мамнун эканликларини ва буни тинчликнинг кафолати деб билишларини айтди, шунингдек, худди шундай бир шартномани Франция ва Хитой ўртасида тузиш ҳам ҳеч қандай ажабланарли эмаслигини алоҳида таъкидлади.

У Сун Лян азалдан европаликларга дўстона муносабатда бўлган, боксёрлар кўзғолони давомида у сарой билан бирга Сзинанфуга қочиб борган ва исёнчиларга қарши қатъий чоралар кўришни тавсия қилган эди.

Англия журнали шундай кўрсатиб ўтадики, Хитойнинг Шандун вилоятда жойлашган Сзяо-Чжоу немис ҳудуди Германияга аллақачон 140 миллион франкка тушган. Денгиз ишлари бўйича машҳур немис мутахассиси граф Ревентлов ҳам бу фактни Берлиндаги “Сукунфт” журналида тасдиқлади.

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хитой ва бутун Узоқ Шарқ минтақаси учун тарихий бурилишлар, кескин сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар даври бўлди. Бу даврда Хитой Син сулоласининг

инкирозга юз тута бошлаши, ташқи давлатлар босими ва ички қаршиликлар билан белгиланди. Ғарб давлатлари, айниқса, Буюк Британия, Франция ва Германия, шунга қўшимча равишда Россия ва Япония сингари минтақавий кучлар Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан заифлашувидан фойдаланиб, унинг ҳудудларига таъсир ўтказишни бошладилар.

1894–1895 йиллардаги Япон-Хитой урушида Япониянинг ғалабаси Хитойнинг заифлигини очиқ намоён қилди. Бу уруш натижасида Япония Тайванни эгаллаб, Корея устидан Хитойнинг таъсирини бутунлай тўхтатди. 1898 йилда Германия Шандун яриморolini, Россия эса Ляодун яриморolini ва Порт-Артурни ижарага олишга эришди. Буюк Британия ва Франция ҳам ўз “таъсир доиралари”ни кенгайтди. Шу тариқа, Хитой “ярим мустамлака” ҳолатига тушиб қолди.

Агар Германия ҳали ҳам бу ҳудудни тарк этмаган бўлса, деб ёзади “Army and Navy” нашридаги мақола муаллифи, бу фақат ғурур туйғуси туфайлидир. Граф Ревентлов тан оладикки, Япония, Англия ёки Хитойнинг ўзи немисларни Сзяо-Чжоудан ҳайдашни хоҳлаган куни, Германиянинг бу ердаги мулкини ҳимоя қилишга энг катта тўсиқ Япония бўлади, чунки у Сзяо-Чжоу портида янги қалъалар барпо этилишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

1907 йилда “Голос Москвы” газетасида хитойликлар орасида миллатпарварлик руҳининг уйғониши ва ўз мамлакатларининг бошқа давлатлар қаторида тутилишидаги ноодатий аҳволни англаши, “тахминан ўн йилча илгари бошланган эди ва назарда тутиладиган бўлса, ҳозирги пайтда бу туйғу Хитой жамиятининг кенг катламларини қамраб олган”, деб ёзилади².

Туркистон матбуоти, хусусан, “Туркистон вилояти газетаси” орқали ушбу жараёнларга нисбатан ўзига хос муносабат билдириб, уларни таҳлил қилишга уринишлар қилиб борилди. Ушбу жараёнларнинг таҳлилида Хитойда юз бераётган ислохотлар жараёни алоҳида ўрин тутади. Юан Шикай бошчилигидаги ҳукумат ташқи таъсирларни чеклашга, мамлакатни модернизасия қилишга интилаётгани ҳақидаги мақолаларда ислохотлар нафақат ички сиёсий барқарорликни таъминлаш, балки ташқи таҳдидларга қарши миллий мустақамликни яратиш учун кераклиги қайд этилган. Туркистон матбуоти бу жараёнларни муҳокама этган ҳолда, Хитойнинг

² Китай и его блаетели // Голос Москвы. – 1907. – № 193.

янгиланаётган миллий сиёсатида Япония моделига суянаётганини, бироқ бу таъсирни чеклашга уринаётганини таъкидлайди.

Бу йўналиш ҳатто 1898 йилда ислохотлар тўғрисидаги фармон туфайли императорни тахтдан ағдаришга бева император хоним билан биргаликда кўмаклашган ўша ҳукуматни ҳам ўз ортидан эргаштириб кетди.

1904 йилда император хоним ва унинг маслаҳатчилари ўзларининг тор консерватив қарашларидан воз кечиб, аввал рад этган ислохотларни секин ва ишончсизлик билан бўлса-да, амалга оширишга қарор қилдилар. Рус-япон урушидан кейин ёш Хитой ислохотчилари орасида Япония намунасида мамлакатни ислоҳ қилишга бўлган интилиш янада кучайди ва ҳукуматнинг сусткашлиги баъзан инқилобий учқунларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди.

XX аср бошларидаги Узоқ Шарқ минтақасидаги халқаро муносабатлар минтақа тарихида ўзига хос из қолдирган. Тинч океанидаги давлатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви, бир неча бор уруш хавфининг вужудга келиши, Европа давлатлари, Россия ва АҚШнинг Узоқ Шарқдаги муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари бу минтақадаги халқаро муносабатлар динамикасига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмас эди.

Портсмут сулҳининг имзоланиши халқаро муносабатларнинг Узоқ Шарқда ҳам, Европада ҳам янги босқичга кўтарилишига туртки бўлди. Сулҳ имзоланган бўлса-да, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб масалалар узил-кесил ҳал этилмаган эди ва барча баҳсли масалалар ҳал этилмагунча, ўрнатилган тартибларни мустаҳкамловчи шартномалар имзоланмагунча, буюк давлатлар вакиллари яна бир неча бор учрашишга мажбур бўлган.

Рус-япон урушининг якунлари Узоқ Шарқдаги кучлар нисбатини тубдан ўзгартириб юборди. Япония материк ичкарасига кўпроқ кириб бориб ўз таъсир доирасини кенгайтди, АҚШ ўша пайтда дунёнинг энг катта мустамлакаси бўлган Хитойга кириш имкониятига эга бўлди. Россия учун Портсмут тинчлик шартномаси Узоқ Шарқ минтақасидаги фаол сиёсатни тўхтатишни олдиндан белгилаб қўйган. Россия дипломатиясининг бу минтақадаги кўплаб ютуқлари эътибордан четда қолди ва Узоқ Шарқдаги, хусусан, Манчжуриядаги таъсир ва мулк қолдиқлари учун курашиш имконияти деярли бўлмаган. Ушбу муаммонинг асосий сабаби молиявий масала эди³.

³ Корелин А.П., Витте С.Ю. - финансист, политик, дипломат. – Москва, 1998. – 530 с.

Россия империяси ҳукумати учун гап энди “Европадаги йирик масалаларни ҳал қилиш учун кучларни сақлаб қолиш” ва “Узоқ Шарққа маблағ сарфламаслик” ҳақида бориши мумкин эди. Шу муносабат билан Амурбўйи округини кучайтириш режаси қатъиян рад этилди, бу эса Узоқ Шарқдаги фаол сиёсатдан воз кечиш билан баробар эди. Россиянинг ўтган даврдаги сиёсатини тажовузкор қилиб келган манжурлар ҳаракатини тугатиш масаласи аллақачон ҳал қилинган эди.

Аммо Россия Узоқ Шарқда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағ ажратишдан воз кечган тақдирда ҳам молиявий ёрдамга мухтож эди. Тинчлик шартномасининг имзоланиши Россияни яқин келажакда молиявий инкироздан олиб чиқиши мумкин бўлган буюк давлатлар билан қарзлар соҳасида молиявий ҳамкорликни ривожлантиришга кучли туртки берди. С.Ю.Витте “урушнинг тугаши ва сулҳ тузиш фактининг ўзи рус ҳукумати олдида ташқи бозорда катта молиявий операсия истиқболларини кенг очиб беришига ва бу сафар, аслида, ҳеч кимдан жиддий сўрашга ҳожат қолмаслигига” ишонарди⁴. Бу фақат молиявий дипломатия санъати ва сабр-тоқат масаласи эди.

Бу даврда пайдо бўлган ғоялардан бири “Хитой хитойликлар учун” деган миллатчи шиорнинг эълон қилиниши эди⁵. Маълумки, айнан шу ғояни тарғиб қилиш охириги маротаба европаликларга қарши кўзғолон давомида жуда катта аҳамият касб этган эди.

Ўрганилаётган даврда Хитой Шарқий Осиёдаги етакчи давлат бўлган ва бу минтақадаги халқаро муносабатлар асосан хитойликлар томонидан, хитойча қоидалар асосида шакллантирилган эди. Хитойнинг ўзи империя бўлса-да, у марказида турган халқаро тизим империянинг ташқи алоқаларига, яъни Шарқий Осиёнинг қолган қисми билан муносабатларига тааллуқли эди. Бу муносабатларни тасвирлаш учун баъзан “қуёш тизими” метафораси ишлатилади. Бунда Хитой қуёш сифатида тасаввур қилиниб, унинг атрофида марказдан турли масофаларда жойлашган бошқа, анча кичик сиёсий тузилмалар ўз орбиталарида айланади. Баъзи тарихчилар бу ҳолатни “сюверенитет”⁶ атамаси билан ифодалайди. Бу атама “ҳукмрон давлат бўйсунувчи давлатнинг халқаро ишларини назорат қилса-да, бўйсунувчи давлат ички автономиясини сақлаб қолади” деган

⁴ Витте С.Ю. Воспоминания. Т.Ш. Москва: 1960. – 72 с.

⁵ Туркистон вилоятининг газети. – 1914. – № 3.

⁶ Elektron resurs: <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/108/255.html/>

маънони англатади.

Шу билан бирга, хитойликларнинг мамлакат шимоли ва ғарбидаги қўшнилари ҳамда жануб ва шарқдаги қўшнилари билан муносабатларида катта фарқ бор эди. Биринчи муносабатлар биз “қуруқлик системаси” деб атайдиган система бўйича, иккинчи муносабатлар эса “ўлпон системаси” бўйича ташкил этилган. Шимол ва ғарбдаги халқлар доимий хавф туғдирарди. Улар ички Осиёнинг бепоён даштларида ўз ҳайвонларини боқиб юрган кўчманчилар эди. Иқтисодий ва технологик қолоқлигига қарамай, улар ўша даврнинг энг илғор ҳарбий техникаси – учқур отларга эга эдилар ва бундан ташқари, улар юқори малакали камончилар эдилар. Жойнинг текислиги ва йўлда табиий тўсиқлар кам бўлганлиги сабабли, кўчманчилар хитой деҳқон жамоаларига ҳужум қилишлари осон эди. Ахён-ахёнда пойтахтнинг ўзига ҳам етиб боришарди. Империя ҳокимияти доимо бу таҳдидларга қандай жавоб бериш кераклиги устида бош қотирган, мудофаа ва ҳужум стратегияларини аралаштириб юборган, аммо ҳеч қачон қониқарли ечим топа олмаган. Натижада Хитой аста секинлик билан босиб олинди ва чўл қабилалари томонидан иккита йирик сулолага асос солинди.

Хитойнинг шарқ ва жанубдаги мамлакатлар билан муносабатларига келсак, уларни бошқариш анча осон бўлган. Ҳимолай тоғлари жанубдан келадиган ҳар қандай босқинни амалда тўсиб қўйганлиги сабабли, бу томондан ҳеч қандай ҳарбий таҳдид йўқ эди ва бунинг ўрнига океан орқали алоқалар амалга оширилди. Хитой императорлари Корея, Япония ва бутун Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатлардан ўлпон талаб қилдилар. Чет элликлар мунтазам равишда Хитой пойтахтига саёҳат қилишлари ва императорга совғалар топширишлари керак эди. Шундай қилиб, хитойликлар ўзларининг нуқтаи назарларини тасдиқладилар. Улар ҳақиқатан ҳам дунёнинг марказий мамлакати – “Ўрта қироллик” бўлиб, барча одамлар унга ҳурмат бажо келтиришган.

Ҳозирги пайтда бу гоё илгаригидек шовинистик аҳамиятга эга бўлмаса-да, айтишларича, хитойликлар эндиликда хорижий меҳмонларга бир неча йил олдингидек илиқ ва меҳрибон эмаслар.

Бу янги миллатчилик нуқтаи назарининг таъсири Хитой ҳукуматининг ҳаракатларида ҳам яққол намоён бўла бошлади: энди у хорижий таъсирнинг Хитой давлат ҳаётига кириб келишини мумкин қадар олдинини олиш ёки ҳеч бўлмаганда уни заифлаштиришга ва ўз

давлат шаънини ҳимоя қилишга ҳаракат қилмоқда.

Хитойда миллатчилик онги аллақачон мустаҳкам асосга эга бўлганининг яққол намунаси сифатида улар томонидан франко-япон ва япон-рус конвенсияларига нисбатан билдирилган икки эътирозни кўрсатиш мумкин. Маълумки, бу шартномаларнинг бошқа бандлари қаторида Хитойнинг ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлашга оид моддалар ҳам мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида Хитойда юзага келган ички сиёсий беқарорлик, ташқи босимлар ва миллий онгнинг уйғониши бутун Узоқ Шарқ минтақасининг геосиёсий мувозанатига бевосита таъсир кўрсатди. Бу жараёнлар нафақат халқаро миқёсда, балки минтақавий оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди. Айниқса, Туркистон матбуоти – “Туркистон вилояти газетаси” мисолида – Хитойдаги сиёсий ислохотлар, миллатпарварлик ҳаракатлари ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришларни таҳлил қилишга уринган.

Юан Шикай ислохотлари, боксёрлар кўзғолони, рус-япон ва франко-япон шартномаларига нисбатан билдирилган муносабатлар Хитой жамиятида миллий ўзликни англаш жараёнининг бошланганидан далолат беради. Айниқса, Фарб давлатлари ва Япония томонидан Хитой ҳудудий яхлитлигига таҳдид солувчи ҳаракатлар жамиятда норозиликни кучайтирган, бу эса халқнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилган.

Туркистон матбуоти бу воқеликларни фақат ахборот даражасида эмас, балки геосиёсий таҳлил асосида ёритиб, Шарқ минтақасидаги кучлар мувозанатини, миллий уйғониш жараёнларини чуқур англашга уринган. Шу нуқтаи назардан, мазкур мақола тарихий воқеаларнинг матбуотдаги аксини таҳлил қилиш орқали XX аср бошларида шаклланган халқаро муҳит ва миллий онг ўсишини ёритишга муҳим ҳисса қўшади.

М У Н Д А Р И Ж А

К.С.Азимов. Проблемы водопользования между Турцией, Сирией и Ираком.....	3
Д.Х.Зияева. Марказий Осиё интеллектуал меросида Ҳиндистон тарихи масалалари.....	11
С.Б.Шадманова. Осиё ва Африка давлатларига европача тиббиётнинг кириб келиши (Ҳиндистон, Малави ва Туркистон мисолида).....	16
А.А.Кхайдаров. A brief overview of extremism in Afghanistan before the 2019 Presidential elections.....	27
С.М.Турсунова. Цифровая дипломатия в ОАЭ.....	33
Н.А.Абдуллаев. Сурия сиёсий ҳаётида ҳарбийларнинг роли.....	40
М.М.Муҳаммадсидиқов. Жамият барқарорлигини таъминлашда диний бағрикенглик тамойилининг ўрни.....	44
А.Х.Худайбердиев. ООН и конфликт в Йемене.....	47
Д.Б.Сайфуллаев. Шарқона дипломатия – дипломатияни ўрганишнинг муҳим йўналиши сифатида.....	54
А.Т.Минсагитов. Культурная политика Республики Корея: перспективы воссоединения.....	58
Ф.М.Бафоев. Вопросы исторической памяти в политике ведущих стран зарубежного Востока.....	68
Д.И.Мадаминова. Жазоир ташқи сиёсатида хавфсизлик масалалари... ..	72
Н.Б.Холматов. Туркияда саноатлашув жараёнининг илк тарихий босқичи хусусиятлари.....	80
И.М.Шамсиева., К. Бакириддинова. Узбекистан и ОАЭ: цифровые горизонты сотрудничества.....	88
У.А.Абдуллаев., Д. Абдувахобова. Ҳозирги босқичда Покистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.....	93
Р.М.Турсунов. Краткий анализ взглядов западных и мусульманских ученых на проблемы совместимости современного развития общества с исламом в конце XX - начале XXI вв.....	97
Р.Р.Алимова. Маҳмуд Чуроснинг “Тарих” асари Ёркинд ва қозоқ хонликлари муносабатлари бўйича муҳим манба.....	108
З.М.Қодиров. Салжуқийлар давлатида қўшин ва ҳарб иши.....	115
И.Азизов. “Китаб ал-Харож” асари ислом ҳуқуқида муҳим манба сифатида.....	124
Ф.Х.Усарова., Н. Б. Абдусаттарова. Япония ривожланиши тарихида мафкура омили.....	129

Ш.Дж.Саидов. Торговые связи Хивинского ханства с Россией (XIX в.).....	133
Ш.И.Икромов. Форс кўрфази араб давлатларининг Марказий Осиёдаги рақобати	139
Ў.Б.Битурраев. Германиянинг Марказий Осиё сиёсатининг шаклланиш генезиси	145
А.Ш.Шарипов. Туркиянинг Марказий Осиё давлатларида “soft power” дипломатияси	151
С.Р.Толибова. Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқалар тарихи.....	156
Х.Х.Азимов. Қадимги Хитой томонидан Марказий Осиёга юборилган элчилар.....	163
Ш.Ю.Охунжонов. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо алоқаларида тужжорларнинг ўрни	168
Ш.М.Ёдгоров. Мисрнинг диний экстремизмга қарши кураш тажрибаси борасида	174
О.Н.Петророва. К вопросу истории возникновения проблемы Александреттского санджака.....	180
Д.С.Ходжимуратова. Эронда масофавий таълим тарихидан.....	188
Б.М.Рахимов. Бағрикенглик – тараққиёт гарови: ўтмиш ва бугун (Шарқ мамлакатлари мисолида)	193
Н.А.Абулҳасан. Шарқ мамлакатларида замонавий таҳдидларга қарши курашнинг тарихий жиҳатлари.....	199
М.Ш.Боймурзаева. Глобал ва минтақавий таҳдидларга қарши кураш механизмлари (Шарқ мамлакатлари мисолида)	204
А.А.Эгамбердиев. Даврий напшларда XX аср бошларида Хитойдаги сиёсий жараёнлар талқини.....	207
Ш.Н.Рискулов. XIX асрда Буюк Британия ва Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги рақобати	215
Х.Ч.Ражабов. Абдурауф Фитратнинг “Шарқ сиёсати” асарида миллатлараро муносабатлар ва ташқи сиёсат масалалари	220
Ш.Пулатов. Ҳиндистоннинг илк мустақиллик даври тарихининг ўрганилиши	225
Н.Назарқулова. Ёи сулоласи ижтимоий ҳаётида аёлларнинг мақомига оид қарашлар трансформацияси.....	229
Д.Б. Султанбекова. Туркестанец Ахмад Фанакати – министр финансов Империи Юань.....	237
К.С.Сабитова. История и развитие геополитического статуса Тибета и «тибетского вопроса»	244

**ХОРИЖИЙ ШАРҚ
МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАРИХИЙ
ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИ
ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ**

*Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция
материаллари тўплами*

Масъул мухаррир:

*тарих фанлари доктори, профессор Н.Э.Каримова
сиёсий фанлар номзоди, доцент Н.А.Абдуллаев*

Тақризчилар:

*Тарих фанлари доктори, профессор
Шодманова Санобар Базарбаевна*

*тарих фанлари номзоди
Азимов Комил Сарварович*

Босишга рухсат этилди: 31.05.2020
Бичими 60x84 1/16 Шартли 15.5 б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №
Тошкент давлат шарқшунослик университетининг
кичик босмахонаси.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.